

Пластик картага хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш ҳақида

ШАРТНОМА

20__ йил “__” _____

№ _____

Тошкент шаҳри

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг Амалиёт бошқармаси (кейинги ўринларда – Банк) бошқарувчиси Б.З. Акрамов Низом ва Ишоннома асосида фаолият юритиб, бир томондан, ва жисмоний шахс _____ (кейинги ўринларда – Мижоз), иккинчи томондан, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздик.

1-§. Шартнома предмети

1. Мижоз томонидан белгиланган тартибда кўрсатилган хизмат ва маҳсулотлар учун пластик карта орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича Банк хизматларидан фойдаланиш юзасидан Банк ва Мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

2. Пластик карта Мижозга савдо ва сервис хизмати кўрсатиш жойларида товар ва хизматлар учун ҳисоб-китобни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

3. Пластик карта, Мижоз томонидан жисмоний шахс пластик картасини олиш учун ариза тўлдирилган ва Банк тарифига мувофиқ пластик картадан фойдаланиш учун тўлов амалга оширилгандан сўнг, муомалага чиқарилади.

4. Пластик карта амал қилиш муддати давомида Банкнинг мулки ҳисобланади, у амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки алмаштирилганда ёхуд Банк талаби бўйича Банкка қайтарилиши лозим.

2-§. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Мижоз томондан ушбу Шартнома ва пластик картадан фойдаланиш бўйича йўриқнома шартлари бузилганда пластик картанинг амал қилишини тўхтатиш;

б) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда пластик картанинг амал қилишини тўхтатиш;

в) пластик карта бўйича ҳисобвараққа иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ташқари Мижознинг бошқа даромадини нақд пулсиз кириш қилиш учун ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки филиалида жисмоний шахслар даромадини уларнинг омонат ёки пластик карта бўйича ҳисобварақларига нақд пулсиз ўтказишга доир операцияларни амалга ошириш тартиби” (Банк бошқарувининг 2014 йил 9 сентябрдаги 65-сон қарори билан тасдиқланган ва 301-сон билан рўйхатга олинган) асосида тузилган қўшимча шартнома мавжуд бўлмаган ҳолда, нақд пулсиз ўтказилган маблағни қайтариб юбориш.

6. Мижоз пластик карта махсус ҳисобварағига маблағ ўз вақтида кириш қилинишини Банкдан талаб қилишга ҳақли.

7. Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) Мижозга, у томонидан пластик карта олиш учун ариза берилгандан сўнг, пластик карта махсус ҳисобварағи очиш;

б) Мижозга унинг талаби бўйича пластик карта махсус ҳисобварағининг ҳолатига оид кўчирмани тақдим қилиш;

в) Мижоздан пластик картанинг йўқотилганлиги тўғрисида ариза олингандан сўнг 48 соат ичида ушбу пластик карта бўйича операциялар амалга

оширилишини тўхтатиш;

г) Мижознинг пластик карта махсус ҳисобварағига маблағ ўтказилган пайтдан бошлаб уч банк куни ичида пластик карта балансини тўлдиришни амалга ошириш;

д) Мижозга мазкур шартнома шартлари ва Банк тарифларининг ўзгартирилиши ҳақида хабар бериш;

8. Мижоз ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) пластик картани олгандан сўнг унинг ПИН-кодини ўзгартириш ва ўз ПИН-кодини бегона шахсларга ошкор этмаслик;

б) Банк тарифлари асосида пластик картага хизмат кўрсатиш бўйича Банкнинг барча хизматлари учун тўловни амалга ошириш;

в) пластик карта бўйича ҳисобвараққа иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ташқари бошқа даромадини нақд пулсиз кириш учун “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки филиалида жисмоний шахслар даромадини уларнинг омонат ёки пластик карта бўйича ҳисобварақларига нақд пулсиз ўтказишга доир операцияларни амалга ошириш тартиби” (Банк бошқарувининг 2014 йил 9 сентябрдаги 65-сон қарори билан тасдиқланган ва 301-сон билан рўйхатга олинган) асосида қўшимча шартнома тузиш;

г) ишдан бўшаётганда ёки ўқишни тугатганда Банкка пластик картани бир иш куни давомида қайтариб бериш.

3-§. Томонларнинг жавобгарлиги

9. Банк қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланмайди:

а) Мижоздан ижозат олмай легитим ПИН-код орқали пластик карта ишлатилганлиги учун;

б) жўнатувчи-банк томонидан пул маблағининг ушлаб қолинганлиги сабабли уни Мижознинг пластик карта махсус ҳисобварағига ўтказмаганлиги учун.

10. Мижоз қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

а) агар пластик карта йўқотилган бўлса, Мижоз бу ҳақида Банкка ёзма мурожаат қилингунга қадар ва мурожаат қилгандан кейинги икки ой давомида ўтказилган барча транзакциялар бўйича;

б) Банкка тақдим этилаётган барча маълумотларнинг ҳақиқийлиги бўйича.

4-§. Шартноманинг амал қилиш муддати

11. Мазкур шартнома 1 (бир) йил муддатга тузилди, агар унинг муддати тугашидан энг камида бир ой олдин томонлардан ҳеч ким ушбу шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма тарзда хабар бермаган ҳолда, унинг муддати кейинги даврга узайтирилган ҳисобланади.

12. Мазкур шартнома уни томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

13. Шартнома бекор қилинганда ёки пластик картадан фойдаланиш муддати тугаганда, Мижоз пластик картани Банкка қайтариб бериши шарт.

5-§. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш

14. Банк ушбу шартнома шартларига, Мижозни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, ўзгартириш киритишни таклиф қилиши мумкин. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга оид битим уни ҳар икки томон имзолангандан сўнг кучга киради.

6-§. Шартномани бекор қилиш

15. Томонлар ушбу шартномани, бир-бирларига бир ой олдин ёзма хабар берган ҳолда, бекор қилиши мумкин.

16. Шартнома Мижознинг ташаббусига кўра бекор қилинганда, у ушбу шартнома бекор қилгунга қадар ва бекор қилингандан кейин, агар пластик карта Банкка қайтарилмаган бўлса, ўтказилган барча транзакциялар бўйича тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

17. Шартнома бекор қилинганда Банк Мижознинг пластик карта махсус ҳисобварағини ёпади, ундаги қолдиқ суммани Мижознинг аризасига кўра нақд пулда беради ёки кўрсатилган ҳисобвараққа ўтказди.

7-§. Низоларни ҳал қилиш

18. Барча келишмовчилик ва низоларни томонлар музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида томонлар ўзаро келишувга эриша олмаган тақдирда, низо Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

8-§. Яқуний қоидалар

19. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди, унинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Мижозда сақланади.

20. Шартномага мувофиқ тарзда ёки унга боғлиқ ҳолда юборилган барча хат ва хабарномалар ёзма тарзда расмийлаштирилган бўлиши шарт ва улар томонларнинг қуйида кўрсатилган манзиллари бўйича буюртма хат орқали юборилган ёки шахсан етказилган ҳамда уларни олганлик тўғрисида тасдиқнома мавжуд бўлса, улар белгиланган тартибда тақдим этилган ҳисобланади.

21. Мазкур шартнома билан белгиланмаган барча ҳолатларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда иш олиб боради.

7-§. Томонларнинг почта манзили ва реквизитлари

Банк: “Трастбанк” ХАБ Амалиёт
бошқармаси
Манзили: Тошкент ш, Шай.т, Навоий – 7уй.
Тел.: 239-36-47, 244-65-05. Факс: 239-36-27
Банк коди: 00491.
Банк ҳисобварағи: _____
СТИР: 201055090.
Бошқарувчи: _____
Мухр

Мижоз: _____
Манзили: _____
Телефон: _____
Паспорт,серия __№__ _____
Қачон ва ким томонидан берилган

(имзо)